

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 75-ҳадис

75 – وَعَنْ عَثْمَانَ بْنِ عَمَّانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَا

مِنْ أَمْرِيءٍ مُسْلِمٍ تَخَضَّرُهُ صَلَاةٌ مَكْتُوبَةٌ فَيُحْسِنُ وُضُوءَهَا، وَخُشُوعَهَا، وَكُوعَهَا، إِلَّا كَانَتْ كَفَّارَةً لِمَا

قَبْلَهَا مِنَ الذُّنُوبِ مَا لَمْ تَثُتْ كَبِيرَةٌ، وَذَلِكَ الدَّهْرُ كُلُّهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Усмон ибн Аффон розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламни:

**«Қайси бир мусулмон киши фарз намозини адо этишга ҳозирланиб, таҳоратини чиройли қилиб, намозидаги хушуъ ва рукуъларини чиройли адо этса, аввал содир этган гуноҳларига каффорат бўлади, бу орада катта гуноҳ содир этмаган бўлса. Бу ҳолат ҳар замон шундай давом этгувчидир»,** деб айтганларини эшитдим.

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда, беш маҳал фарз намозни адо этиш, унинг арконларини қалб ҳозирлиги ва тана аъзоларининг хушуъси билан адо этишга тарғиб бор.

Банда азонни эшитиб, намоз вақти бўлгач, таҳорат олса ва таҳоратини гўзал суратда амалга оширса, таҳорат ўринларига исроф қилмасдан сув етказса, Роббисига қалби билан хушуъ қилган ҳолда юзланса, намози ила Роббисининг афвига кўз тутиб, Унинг ҳузуридаги савобга умид қилиб, намозни рукуъ ва саждаларни мукамал тарзда адо қилса, Аллоҳ таоло бу солиҳ амаллари сабабли кичик гуноҳ ва ёмонликларини кечириб юборади. Агар улкан гуноҳларни содир этмаган бўлса. Бу нарса бутун йил давомида шу тарзда кечади, яъни, бомдод намозидан кейинги содир бўлган кичик гуноҳлар пешин намози мукамал ва ихлос ила адо этилиши сабабидан кечирилади, аср намози пешиндан кейин асргача бўлган кичик гуноҳларнинг кечирилишига сабаб бўлади ва ҳаказо..

**Ҳадисдан ўрганганларимиз**

1. Намозни ўз вақтида адо этишнинг аҳамияти.
2. Намознинг мукаммал таҳорат ва хушуъ ила адо этиш каби шартлари бордир.
3. Тўғри ўқилган, мақбул намоз гуноҳлар учун каффоратдир.
4. Фарз намозларнинг адо этиб борилиши йил давомида банда томонидан содир бўладиган кичик гуноҳларни ўчирувчидир.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI